

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

ХУРРАМОВ ЭШМАХМАТ ЭШҚУЛОВИЧ

**БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ
ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 - Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ - 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Хуррамов Эшмахмат Эшқулович

Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик
фаолиятга тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш..... 3

Хуррамов Эшмахмат Эшқулович

Совершенствование технологий подготовки будущих учителей
физической культуры к профессионально-педагогической дея-
тельности..... 23

Khurramov Eshmakhmat Eshkulovich

Perfection pedagogical technologies of training future teachers for
pedagogical activity..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА,
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

ХУРРАМОВ ЭШМАХМАТ ЭШҚУЛОВИЧ

**БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ
ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 - Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Ped242 рақам билан рўйхатдан олинган.

Диссертация Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cspi.uz/ilmiy-kengash) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Матчонов Сафо**
педагогика фанлари доктори, профессор

Алеуов Усербай
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.04.2021.ped.82.01. рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111700, Чирчиқ шаҳри, А.Темур кўчаси, 104 уй) Тел.: +(99870) 712-45-41; факс: +(99870) 712-45-41; e-mail: tvchdri @edu.uz.

Диссертация билан Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111700, Чирчиқ шаҳри, А.Темур кўчаси, 104 уй) Тел.: +(99870) 712-45-41; факс: +(99870) 712-45-41.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Қ.Мардонов
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

Ф.У.Қодирова
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, п.ф.д., (Dsc)

У.Н.Ходжамкулов
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тизимида замонавий ва истиқболли меҳнат бозори талабларининг диверсификациялашуви, ўқитишнинг янги стратегияларига мослаштирилган, касбий фаолиятга алоқадор параметларини юқори даражада эгаллашни талаб этмоқда. Таълим жараёни субъектлари фаолиятини замонавий ташкил этиш замирида интеллектуал жиҳатдан тараққий этган, маънавий баркамол, жисмонан соғлом шахсларни вояга етказиш унинг натижавийлигига алоқадор бўлган моделларни (functional education, competence-based approach, competence model) технологик тараққиёт ғоялари билан уйғунлаштиришда муҳим амалий аҳамият касб этмоқда.

Дунё миқёсида етакчи олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларнинг фаолиятини янги мазмунда ташкил қилиш орқали юксак салоҳиятли, рақобатбардош кадрларни тайёрлашга оид тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Талабаларнинг билим, кўникма ва малака эгаллашларини такомиллаштириш, интеллектуал ва жисмоний камолотини ривожлантириш, таълим сифатини ошириш, уни инсонпарварлаштириш, унинг узвийлиги ва узлуксизлиги, ривожлантирувчи ва ижтимоийлаштирувчи мақсадларини таъминлаш долзарб бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини доимий такомиллаштиришда уларнинг креативлиги, ижодкорлигини ошириш вазибалари етакчилик қилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда узлуксиз таълим тизимидаги ислохотлар таълим жараёнларини инновацион тенденцияларга мос равишда такомиллаштиришга, модернизациялашган таълимни ташкил этишга имконият яратмоқда.

Янги Ўзбекистон бунёдкорлари бўлган ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол кишилар қилиб тарбиялашга доир чора-тадбирларда “ёшлар жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши, бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун шарт-шароитлар яратиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш”¹ вазибаларининг белгилаб берилиши бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини ижодкорлик ғояларига асосланган касбий салоҳиятга эга кадрлар сифатида тайёрлашни, улар тарбиялайдиган ёшларда жисмоний сифатлар билан бирга юксак маънавий маданиятни шакллантириш технологияларини такомиллаштиришни тақозо этади. Бу эса ёшларнинг маънавий-ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан камол топиши ва ривожланишига интегратив ёндашувнинг натижавийлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сон, 2020 йил 24

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 3907-сон Қарори. - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 07/18/3907/1706-сон.

январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5924-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 3907- сон қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновцион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда спортнинг ривожланиш тарихи, анъаналари, усуллари ва йўналишлари юзасидан А.Қ.Атоев, Ж.Нуршин, Р.Саломов, Ф.Керимов, Ш.Х.Хонкелдиев, Ж.М.Тошпўлатов, Ў.И.Иброхимов, А.Н.Абдиев; жисмоний тарбия дарсларини замонавий ташкил этиш ва бўлажак кадрларни илмий салоҳиятли қилиб тарбиялаш масалалари К.М.Махкамжонов, И.А.Қўшбахтиев, Л.Р.Айрапетянц, Т.С.Усмонхўжаев, С.С.Хўжаев, Қ.Алимов; миллий спорт турларини ривожлантириш, спорт тўғарақларини лойиҳалаш, саёҳатларни ташкил қилиш методикасига оид изланишлар Т.Х.Холдаров, Р.Абдумаликов, Р.А.Қосимов, А.Абдуллаевларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимлари А.Чесноков, А.М.Воронин, В.П.Кваша, Н.В.Коноплина, Л.Г.Родионова, М.В.Кларин, В.Беспалько, Л.С.Подимова, М.И.Морозова, Е.В.Родькина, Ю.И.Рудинова, З.Р.Сафина, Л.Т.Чернова, И.В.Штих, О.Хомерики, П.В.Худоминский, В.Мединский, В.И.Зибарева тадқиқотларида таълим тизимида инновацион жараёнларни бошқариш, таълим жараёнини педагогик технологиялар асосида лойиҳалаш, интерфаол услублар орқали шахсга йўналтирилган замонавий дарсларни ташкил қилиш, талабаларнинг жисмоний тарбия машғулотларида фаол иштирокини таъминлаш каби масалалар тадқиқ этилган.

Хориж олимлари М.О.Махонуну, W.Smit (Буюк Британия), P.Metyo, J.Xolms, P.Skott, I.Rapoport (АҚШ), Dun Shi Chang (Хитой), Charelli Graceo Rini, Sandra Melinder (Малайзия) спортчиларнинг руҳий тайёргарлигини барқарорлаштириш, жисмоний тарбия жараёнида талабалар ижтимоийлашувининг психологик жиҳатлари, ёшларни чиниқтириш машқлари орқали тарбиялаш, жисмоний сифатларини ошириш каби муаммоларни ўрганишган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши

Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Илмий-тадқиқот ишлар режасининг №ФЗ-2016-0910202206 “Вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик технологиялари” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган (2017-2020й.й.).

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлашнинг педагогик тизими ва дидактик таъминотини аниқлаштириш;

бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий педагогик фаолиятини ривожлантириш тизимини интерфаол ёндашув, инновацион методларни интенсив қўллаш асосида такомиллаштириш;

бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш босқичларини инновацион технологиялар асосида такомиллаштириш;

бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш моделини аналитик ёндашувга асосланган методлар воситасида такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш жараёни танланиб, тажриба-синов ишларида Тошкент давлат педагогика университети, Чирчиқ давлат педагогика институти, Навоий ва Жиззах давлат педагогика институтларидан 589 нафар талаба иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш мазмуни, методлари, шакллари, воситалари, технологиялари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда кузатиш, суҳбат, анкета, сўров, тест, қиёслаш, педагогик тажриба-синов, мониторинг, натижаларни математик-статистик қайта ишлаш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлашнинг педагогик тизими ва дидактик таъминоти касбий компонентлик элементлари (ижтимоий фаоллик, кадриятлилик, очиклик, ўзига хослик, узлуксизлик) ҳамда маънавий-ахлоқий ва жисмоний тарбия интеграцияси (таълимий, маънавий, маданий, тарбиявий)га устворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш тизими жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг амалдаги (мастер класс, яккама-якка жанг, оммавий мусобақа) ҳамда “Тўп маррага”, “Музёрап” каби интерфаол технологияларга устворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш босқичлари (коллаборатив ва метакомпетенциялар интеграциясига асосланган компетенцияларни шакллантириш; рефлексив-инновацион

ривожлантириш, валеологик компетенцияларни ривожлантириш) жисмоний тарбия элементлари (ҳаракат, соғлом турмуш, жисмоний сифат, ўз-ўзини ривожлантириш)га устиворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш модели аналитик ёндашув (аниқлаш, қиёслаш, умумлаштириш, тавсия қилиш, таҳлиллаш)га асосланган методлар (ҳаракат тезлигини оширувчи, кўникмаларни ривожлантириш, ўз фаолиятини баҳолаш) воситасида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

“Жисмоний тарбия ўқитувчисининг касбий педагогик фаолиятини ташкил этиш технологиялари” илмий-тажрибавий махсус курс дастури яратилган ва амалиётга татбиқ этилган (Гувоҳнома №001343, 2019 йил, 16 май;

“Касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш технологияси” мавзусидаги дидактик топшириқлар тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган;

Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш бўйича “Жисмоний тарбия дарсларида педагогик технологиялардан фойдаланиш” (2018), “Тўп маррага”, “Жисмоний тарбия ўқитувчиларининг педагогик фаолиятини янги моҳиятда ташкил этиш” каби методик қўлланмалар ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, педагогика олий таълим муассасаларида фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган моделлар, механизмлар ва таркибий тузилмалар таълим муассасаларида ўқитувчиларнинг касбий фаолиятини ташкил этиш ва таълим самарадорлигини ошириш, таълим жараёнларини инновацион ёндашув асосида ташкил этиш, ўқув режа ва дастурларни такомиллаштириш, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини янги моҳиятда тайёрлаш тизимини ривожлантиришда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари тизимини янада такомиллаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва чора-тадбирлар дастурларини тайёрлашда, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш сифатини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлашнинг педагогик тизими ва дидактик таъминотини такомиллаштиришга оид таклифлардан №ФЗ-2016-0910202206 “Вояга етмаганлар орасида жино-

ятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик технологиялари” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида спорт соҳасида бажарилиши лозим бўлган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 мартдаги 89-03-965-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларида келгуси фаолиятида вояга етмаган ўқувчиларни спорт воситасида тарбиялаш, улар орасида ҳуқуқий профилактик тадбирларни уюштириш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилган;

бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий педагогик фаолиятини ривожлантиришга тааллуқли интерфаол ёндашувни қўллаш асосидаги тавсия ва таклифлардан №ФЗ-2016-0910202206 “Вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик технологиялари” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида ёшларни спорт воситасида тарбиялашга йўналтирилган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 мартдаги 89-03-965-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари келгуси педагогик фаолиятида қўллашига мўлжалланган инновацион: “Тўп маррага”, “Музёрап” каби методлар ишлаб чиқилган;

бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш босқичларига оид ишлаб чиқилган “Инновацион фаолиятни ташкил қилиш технологиялари” номли илмий-тажрибавий Махсус курс дастури ва таклифлардан №ПЗ-2014-09-05173317 “Ёш авлодни тарихий, миллий ва умуминсоний кадрлар асосида муносиб тарбиялаш, таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш, узлуксиз таълим тизимида юқори малакали, шунингдек бошқарув кадрларни тайёрлаш муаммоларини тадқиқ этиш” номли Давлат илмий-техник дастури доирасидаги амалий вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 13 мартдаги 89-03-976-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш босқичларини такомиллаштиришга эришилган;

бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш моделига доир таклиф ва тавсиялардан №ПЗ-2014-09-05173317 “Ёш авлодни тарихий, миллий ва умуминсоний кадрлар асосида муносиб тарбиялаш, таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш, узлуксиз таълим тизимида юқори малакали, шунингдек бошқарув кадрларни тайёрлаш муаммоларини тадқиқ этиш” номли Давлат илмий-техник дастури доирасидаги амалий вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 13 мартдаги 89-03-976-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш модели такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий-услубий иш, шу жумладан, 2 та методик қўлланма,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 126 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлашнинг илмий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида тадқиқотнинг ижтимоий-педагогик, методологик асослари ёритилган бўлиб, унинг давлат таълим сиёсати, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ифодаси акс эттирилган. “Касбий фаолият”, “педагогик фаолият” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти муаллифлик нуқтаи назаридан педагогик талқин қилинган.

Ушбу бобда бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлашнинг назарий асосларига эътибор қаратилган. Унда инновацион ёндашув технологияларини жорий этиш орқали таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларни келгусида эгаллашлари лозим бўлган касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш йўналишлари аниқланган.

Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларига жисмоний тарбия мазмунини илмий асосда ўргатиш, унинг ташкилий ва технологик асосларини модернизациялаш, истиқболга йўналтирилган тенденцияларини ишлаб чиқиш, унинг натижаси жамият манфаатлари билан боғлиқлиги, ёшларни ижтимоий муносабатлар томон йўллаши, ижтимоий тажриба орттириш учун инсондаги табиий имкониятларни рўёбга чиқаришга замин яратади. Шу нуқтаи назардан, педагогика соҳасида янги илмий йўналиш – педагогик инновация ва таълим жараёнини янгилаш ғояларининг пайдо бўлиши натижасида ўқитувчининг педагогик фаолиятини ҳам янги мазмунда ташкил этиш муаллифлик позициясидан талқин қилинди.

Фаолият – кишиларнинг ташқи оламга фаол муносабати шакли, инсоннинг ўзини ўзи мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартириш усули, инсон борлигининг муҳим хусусиятларидан бири.

Жисмоний тарбия ўқитувчисининг касбий педагогик фаолияти – амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб, таълим субъектларининг жисмоний сифатларини ўстирувчи, соғлом турмуш тарзини ёшлар онгига сингдирувчи ижтимоий-маданий объект сифатларини оширишга қаратилган ҳаракат тизими.

Диссертациянинг мазкур бобда бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш йўналишлари (педагогик жараён, бошқарувдаги) киритилган ўзгаришларнинг тавсифи (радикал, модификацияланган, комбинацияланган) ва кўламига кўра (локал, модулли, тизимли) келиб чиқиш манбаига кўра (шу жамоа учун ички ёки ташқаридан олинган) туркумланган.

Жисмоний тарбия ўқитувчисининг ҳар қандай вазиятдаги муаммоларни ечиш учун мотивацион тайёргарликка эга бўлиши, ўқув жараёнини самарали ташкил этиши унинг касбий педагогик фаолияти унсурларидан биридир. Шунингдек, мазкур бобда бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини педагогик фаолиятга тайёрлашнинг таълим амалиётидаги ҳолати ўрганилди.


Диссертациянинг **“Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлашнинг ташкилий омиллари”** деб номланган иккинчи бобда муаммони ҳал қилишга доир концептуал-педагогик ёндашув шакллантирилган, муаллифлик дастури асосида жисмоний тарбия дарсларининг инновацион тузилмаси тақдим қилинган, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш босқичлари, йўналишлари, механизмлари аниқланган. Тадқиқотнинг назарий-педагогик ва назарий-амалий асослари ишлаб чиқилган.

Бобда **“Жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятини ташкил этиш”** номли тажриба-синов дастури асосида жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий педагогик фаолиятини ташкил қилиш йўналишлари, шарт-шароитлари, механизми, тайёрлаш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган метод ва воситалар ўз аксини топган.

Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиси – бакалаврлар ва магистрантларнинг янгиликни ўзлаштириб олишга тайёрликлари ўзига хос мезонларга: келгуси фаолияти тўғрисидаги янгиликлар ҳақида маълумотларга эгаллиги; ўқитувчилик касбига бўлган мотивацияси; ўқитувчиликка малакавий тайёргарлиги; педагогик тажриба-синов ишлари ва тадқиқотларни амалга ошириш ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларга эгаллиги; инновацияга қарши бўлган тўсиқларни бартараф эта олиши каби хусусиятлари ушбу бобда ўз ифодасини топган. Шунингдек, ушбу бобда бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиси – бакалавр ва магистрантларни келгусидаги касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш моделининг мазмуни акс эттирилган (1-расм).

Моделда ифодаланган талаб ва эҳтиёж, истеъмолчиларнинг истакларини ўрганиш, уларнинг муносабатларини янги моҳиятда ташкил этиш, жисмоний тарбия машғулотида жисмоний чиниқтирувчи ва шахсий фазилатларни такомиллаштирувчи педагогик технологиялардан фойдаланиш кабилар жисмоний тарбия ўқитувчиларини келгусидаги касбий фаолиятга тайёрлаш тизими компонентлари ҳисобланади.

Диссертациянинг “Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш технологияларини такомиллаштиришнинг самарадорлик даражаси” деб номланган учинчи бобда тажриба-синов босқичларида талабалар томонидан амалга оширилган методик ишлар ўрганилиб, тавсифланган ва тажриба-синов якунидаги сифати сезиларли даражада ўсиши кўрсатилган ҳамда ҳолис баҳоланиб, таҳлил қилинган.



1-расм. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчисининг касбий педагогик фаолиятини ташкил этиш модели

Ушбу бобда бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнида тадқиқот доирасида фаолиятга йўналтириш моделининг такомиллашган дидактик қирралари, жисмоний тарбия дарсларида талабалар ва магистрантларнинг фаолиятини бошқариш босқичлари ўз ифодасини топган. Шунингдек, мазкур бобда бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини оптимал педагогик-психологик вазиятларни ташкил қилиш, фанлараро интеграциялашув жараёнини таъминлашда тақдим қилинаётган материалларнинг педагогик имкониятларидан фойдаланиш, дидактик топшириқлар орқали спорт малакаларини ўстиришга оид маълумотлар берилган. Шунингдек, мазкур бобда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан сертификатланган (№001343, 2019 йил 16 май) - “Тўп маррага” инновацион технологиянинг мазмуни, татбиқ этиш қоидалари ва бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини янги моҳиятдаги касбий фаолиятга тайёрлаш самарадорлиги педагогик жиҳатдан тавсифланди.

Мазкур бобда ишлаб чиқилган технология асосида ўтказилган тажрибаларнинг мажмуавий интеграл (бутун, узвий боғлиқ) тизим сифатида қабул қилиниши, унда таълим мақсадлари асосида белгиланган кўникма ва малакалар касбий педагогик фаолият талаблари асосида ташкил этилиши ҳамда талабалар томонидан назарий билимларни ўзлаштириш, уларда маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашга йўналтирилган педагогик фаолият унсурларининг маълум тартибга солиниши акс эттирилган бўлиб, бу ўринда жисмоний тарбия дарсларида педагогик фаолият тизимини вужудга келтириш учун дарс мақсадларини белгилаш, мазмунини танлаш ва ишлаб чиқиш, таълим методлари ва воситаларини белгилаш, шунингдек, ўқитувчиларнинг малака даражаси, эришилган натижаларни баҳолаш методи инobatга олинган. Шу билан бирга, тажриба жараёнининг моҳияти ва технологияси мазмуни акс эттирилган ҳамда бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизими келтирилди.

Асосий тажриба материалларини йиғиш ва таҳлил қилиш 2016-2017 ва 2017-2018, 2018-2019, 2019-2020 ўқув йилларида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Навоий давлат педагогика институти, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, Жиззах давлат педагогика институтларида амалга оширилиб, таҳсил олаётган талабалар ва магистрантлар орасида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлашнинг такомиллаштирилган технологиялари синовдан ўтказилди. Жами тажриба-тадқиқотда 589 нафар бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари қатнашди (1-жадвал).

Тадқиқот ишларида педагогикада кенг тарқалган усул: талабаларни 2 гуруҳга – тажриба ва назорат (синов) гуруҳларига бўлиб изланиш олиб борилди. Синов гуруҳида таълим-тарбия жараёни анъанавий тарзда ташкил

қилиниб, ҳар бир гуруҳда тайёргарлик даражаси деярли бир хил (3- 4- босқич) 457 нафар талаба, 132 нафар магистрантлар иштирок этишди. Таҷриба натижалари унинг кўпқирралиги, респондентлар сонининг етарли даражадаги ўлчами ва дидактик-назоратли топшириқлар мажмуининг хилма-хиллиги билан белгиланди.

1-жадвал.

Таҷриба-тадқиқотда қатнашган респондентлар ва ОТМлар

ОТМ номлари	Талабалар сони	Таҷриба гуруҳида	Назорат гуруҳида	Профессор-ўқитувчилар сони
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети	148 нафар	74	74	12
Навоий давлат педагогика институти	148 нафар	74	74	12
Чирчиқ давлат педагогика институти	146 нафар	73	73	6
Жиззах давлат педагогика институт	147 нафар	73	74	8
Жами	589 нафар	294	295	38

Тадқиқот-таҷрибанинг мазмуни, шакл ва йўллари оптимал ҳолда лойиҳалаш учун белгиланган вазифалар доирасида таълимий-тарбиявий мақсадга эришиш, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш технологияларини такомиллаштиришнинг самарадорлик даражаси аниқланди.

Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий педагогик фаолиятга тайёрлик кўникмалари кўп жиҳатдан келгусидаги фаолиятларини компетентли ташкил этиш, унга ижодкорлик мотивларини киритишга, мустаҳкам ирода ва инсонийлик фазилатларини таркиб топтиришга замин яратади. Бу натижаларнинг самарадорлигини аниқлаш учун мезонларни қўллашда аҳамиятлилик даражаси олинган танланмалар объектларининг хоссалари бир-бирларидан қанчалик фарқ қилишига қараб танланди. Бу фарқлар талабаларда касбий педагогик фаолиятга тайёрлик, ҳаракат малакаси, спорт техникаси, инсоний фазилатларнинг шаклланганлик даражасининг турличалиги ва бир қатор омиллар (ОТМ шароитлари, моддий-техника базаси, профессор-ўқитувчиларнинг компетентлиги, психологик хусусиятлари, жинси ва бошқа-

лар)га боғлиқлиги билан белгиланади. Шунинг учун танланмаларни ташкил қилганимизда бу омиллар жиддий эътиборга олинди.

Тажриба тадқиқот давомида аҳамиятлилик даражаси қанчалик кичик олинган бўлса, ҳаққонийлик даражаси шунчалик катта бўлди. Лекин бу имконият амалда эришиш мумкин бўлган натижалар билан чегараланганлиги кўринади. Масалан, Тошкент ДПУдаги талабалар тажриба-синов боши (2016-2017 ўқув йили)да инновацион фаолиятга тайёрлик даражаси 68,7 фоизни ташкил қилган бўлса, тажриба-синов охири (2018-2019)да бу кўрсаткич 93,7 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар мос равишда Чирчиқ ДПИ 65,4 ва 88,7 фоизни Жиззах ДПИда 66,3 ва 87,4 фоизни, Навоий ДПИда 58,7 ва 88,7 фоизларни ташкил этди. Демак, назорат гуруҳида юқори даражадаги кўрсаткич тажриба-синов якунида 61 фоизни, тажриба-гуруҳида эса 93,7 фоизни ташкил этди. Яъни, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий педагогик фаолиятга тайёрлик бўйича ўсиш даражаси ўртасидаги тафовут 13 фоизни ташкил этди.

Тадқиқот давомида режа асосида, тизимли ва мақсадли олиб борилган тажриба ишлари эвазига бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий педагогик фаолиятга тайёрлик кўникмалари тажриба гуруҳларида юқори кўрсаткичларни кўрсатди.

Тажриба-синов натижалари, уларнинг юқори сифатли тавсифномалари бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш технологияларининг такомиллашганини кўрсатди. Бу диагностик схема бўйича ижобий натижалар орқали тасдиқланди.

2-жадвалдан маълум бўладики, тажриба гуруҳи талабаларида келгусидаги касбий фаолиятга тайёрлик кўникмалари анча юқори.

2-жадвал

Тажриба-синов ишларидан аввал назорат ва тажриба гуруҳлари кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Талабалар сони	Учта даража бўйича тўғри жавоблар (% ҳисобида)		
		юқори	ўрта	қуйи
Тажриба	294	150	132	12
Назорат	295	62	194	39

3-жадвал

Тажриба-синов якунида назорат ва тажриба гуруҳлари кўрсаткичлари


Гуруҳлар	Талабалар сони	Тўғри жавоблар сони		
		юқори	ўрта	қуйи
Тажриба	294	209	83	2
Назорат	295	67	190	38

Тажриба ва назорат гуруҳи талабаларининг касбий педагогик фаолиятга тайёрлик кўникмаларининг даражаларидаги фарқнинг статистик қийматини баҳолаш учун тажрибадан олдинги ва кейинги ўртача тайёрлик даражаси Стьюдент ва Пирсоннинг икки томонлама танланма математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этилди.

Тажриба-синовдаги иккита бош тўпلام $-F_m$ ва F_n тақсимот бўйича: биринчи тажриба якунидаги талабаларнинг касбий педагогик фаолиятга тайёрлигини белгиловчи ўртача баллари, иккинчиси эса тажрибадан олдинги талабаларнинг касбий педагогик фаолиятга тайёрлигини белгиловчи ўртача балларини кўрсатади. X ва Y орқали ушбу икки бош тўпلامга мос келадиган тасодифий миқдорларни F_m ва F_n тақсимот орқали белгиланди. Баҳолар нормал тақсимотга эга, деб ҳисобланди. Бундай фараз ўринли эканлиги исботланди, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилди. Бундан:

$$F_x(x) = P(X < x) \text{ ва } F_y(y) = P(Y < y) \text{ тенг бўлади.}$$

3-жадвал маълумотларига кура асосан, нисбий частоталар диаграммаси қуйидагича:



Жадвалга кўра, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш технологияларининг такомиллашуви натижаларининг ўртача квадратик четланиши, танланма дисперсияси, вариация кўрсаткичлари, Стьюдентнинг танланма мезони, Стьюдент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик критерийси ва ишончли четланишлари топилди. Булар қуйидаги жадвалда акс эттирилди:

4-жадвал

\bar{X}	\bar{Y}	S_x^2	S_y^2	C_x	C_y	$T_{x,y}$	K	$X_{n,m}^2$	Δ_m	Δ_k
22,85	2,02	0,1475	0,6596	00,4	3,3	11,37	214,41	92,74	0,06	00,13

Юқоридаги натижаларга асосланиб, тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичлари ҳисобланди. Бунда такомиллашган технологиялар асосида касбий педагогик фаолиятга тайёрлик самарадорлигини баҳолаш мезони K_{ycb} билан, инновацион тушунчаларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш мезони K_{oob} билан белгиланди.

$$K_{ycb} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,85 - 0,06}{2,02 + 0,13} = \frac{2,79}{2,15} = 1,3 > 1; \Delta_k$$

$$K_{oob} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,85 - 0,06) - (2,02 - 0,13) = 2,79 - 1,89 = 0,9 > 0;$$

Олинган натижалардан, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш технологияларининг самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва соҳага оид билиш даражасини баҳолаш мезонининг нолдан катталигини кўриш мумкин. Демак, тажриба гуруҳларининг сифат кўрсаткичи назорат гуруҳларидагидан юқори. Бу тадқиқот концепциясининг асослилиги, унинг педагогик тизим негизлари ва назарий жиҳатларига кўра ҳаққоний эканини тасдиқлайди. Натижада тадқиқотнинг методологик нуқтаи назари асосланиб, муҳим қоидалари аниқланди, илмий-педагогик хулосалар шакллантирилди, умумпедагогик ва аниқ предметли тавсиялар ишлаб чиқилди.

ХУЛОСА

Ўтказилган тадқиқотнинг натижалари қўйилган фаразларни тўла тасдиқлади ҳамда қуйидагиларни хулосалашга асос бўлди:

1. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини келгусидаги педагогик фаолиятга тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш муҳим ижтимоий-педагогик муаммо ҳисобланади.

2. Диссертация муаммоси муаллифлик концепцияси асосида ёндашилган тарзда тадқиқ қилиниб унда «янги моҳиятдаги касбий фаолият», «касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш технологияси» тушунчаларни илмий таснифлаш орқали педагогика назарияси ва амалиёти доирасида касбий фаолиятга тайёрлаш босқичлари аниқланди.

3. Тадқиқот натижалари касбий компетентликни шакллантиришнинг янги қирралари юртимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибқилиш учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузилмани яратиш нуқтаи назаридан ривожлантирилди.

4. “Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш” номли муаллифлик технологияси Низомий номидаги ТДПУ, Жиззах, Навоий, Чирчиқ давлат педагогика институтларининг “Жисмоний тарбия ва маданият” таълим йўналишлари талабалари билан таълимнинг назарий-методологик асосларини танлашда “Касбий педагогик фаолият”, “Касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш технологияси”, “Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчисини касбий педагогик фаолиятга тайёрлашнинг методологик ва назарий асослари”, “Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчисининг педагогик фаолиятида фойдаланиладиган жисмоний машқларни лойиҳалаш” мавзулари педагогик технологияларни

такомиллаштиришнинг асосий инструменти сифатида ўқув машғулоти, аудиториядан ташқари жараёнда комплекс ёндашув асосида тажрибадан ўтказилди ҳамда олинган натижалардан амалиётда қўлланилиб, самарали натижаларни кўрсатди.

5. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш технологияларини такомиллаштиришда аналитик (танлов) ёндашувига асосланган методлар: алоҳида жисмоний сифатларни шакллантиришга қаратилган машқлар, табақалаштирилган машқлар, намойиш этиш, тушунтириш, интерфаол, ўз устида ишлаш, маданият ва тафаккурни, ҳаракат тезлигини оширувчи машқлар, қисмлар бўйича амалий ўзлаштириш кўникмаларини шакллантириш методлари ҳамда умумлаштирувчи (интеграл) ёндашувига асосланган методлар: келгусидаги педагогик фаолиятни ташкил этишга ундовчи методлардан фойдаланилди.

6. Ишни амалиётга тадбиқ этиш натижасида таклиф этилган модель асосида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш тизими такомиллаштиришга хизмат қилди.

Юқоридаги келтирилган хулосалар асосида қуйидаги *тавсиялар* ишлаб чиқилди:

ТАВСИЯЛАР

1. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий педагогик фаолиятга тайёрлашнинг такомиллаштирилган технологияси талабаларда келгусидаги педагогик фаолиятни компетентли бошқаришга асос бўлишига йўналтирилиши лозим.

2. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ахлоқий фазилатларини ривожлантириш, тизимли дидактик таъминотлар, ахборот ресурслари, шунингдек, турли жисмоний чиниқтирадиган мусобақалар, жисмоний, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи тарбиявий тадбирлар: миллий ўйинларни оммалаштиришга оид суҳбатлар, кечалар, спорт-шоуларни уюштириш методикаларидан хабардор қилиб бориш зарур.

3. Талабаларнинг келгусидаги касбий педагогик фаолияти учун зарур бўладиган жисмоний, интеллектуал ривожланишлари ва қобилиятлари, оиладаги, гуруҳ ва таълим муассасасидаги педагогик ва психологик муҳит атрофлича ўрганилиб, педагогик амалиётда синаб кўрилиши зарур.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.04.2021.Ped.82.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

ЧИРЧИКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

ХУРРАМОВ ЭШМАХМАТ ЭШКУЛОВИЧ

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ К ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

**13.00.01 - Теория педагогики. История педагогических учений
(педагогические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Чирчик – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В.2019.4.PhD/Ped 242.

Диссертация выполнена в Узбекском научно-исследовательском институте педагогических наук.

Диссертация выполнена в Чирчикском государственном педагогическом институте. Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.cspi.uz/ilmiy-kengash) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» www.ziynet.uz

Научный руководитель: **Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Матчонов Сафо**
доктор филологических наук, профессор
Алеуов Усербай
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация: **Андижанский государственный университет**

Защита диссертации состоится в _____ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 при Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области . (Адрес :111700, город Чирчик, улица А.Тимура, дом 104.) Тел: (99870) 712-45-41; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: tvchdri@edu.uz. С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического института за номером (_____). (Адрес:111700, город Чирчик, улица А.Тимура, дом 104.) Тел.:(99870) 712-45-41; факс: (99870) 712-45-41.

Автореферат диссертации разослан _____ 2021 года

(Протокол рассылки «__» _____ 2021 года)

Ш.К.Мардонов
Председатель научного совета
по присуждению ученой степени,
д.ф.н., проф.

Ф.У.Кадирова
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученой степени,
д.п.н. (DSc).

У.Н.Ходжамкулов
Председатель научного семинара при ученом
совете по присуждению ученой степени,
д.п.н. (DSc).

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Диверсификация требований современного и будущего рынка труда в мировой системе образования обусловила необходимость применения новых стратегий обучения, связанных с профессиональной деятельностью будущих специалистов. В современной организации деятельности субъектов образовательного процесса, важное значение имеют их интеллектуальный уровень, духовное и физическое развитие личности на основе образовательных моделей (functional education, competence - based approach, competence model) во взаимосвязи с идеями технологического развития.

В образовательных учреждениях развитых стран мира осуществляются исследования по подготовке высокопотенциальных и конкурентоспособных кадров на основе нового содержания профессиональной деятельности будущих специалистов. Актуальными вопросами при подготовке получателей образования в профессиональной деятельности определены совершенствование знаний, умений и навыков, развитие духовных и физических качеств, повышения качества образования, его гуманизация, внедрение здоровьесберегающих технологий при обучении специальным предметам, обеспечение преемственности и непрерывности, соответствия развивающихся целей и социализации обучения.

В нашей стране, в последние годы в процессе реформирования системы непрерывного образования в соответствии с инновационными тенденциями созданы возможности для повышения качества и эффективности обучения с учетом социально-экономического развития страны и современных требований, основанных на демократических принципах и организации управления модернизированной системой образования. В этом контексте, важное значение приобретает разработка эффективных механизмов внедрения в учебный процесс научных и практических результатов исследований, в том числе по овладению будущими учителями физического воспитания профессиональными и личными качествами, основанными на идеях творчества, совершенствованию технологий, формирования и развития у молодежи, наряду с физическими качествами высокой духовной культуры.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан ПФ-5368 от 5 марта 2018 года “О мерах по коренному совершенствованию системы государственного управления в области физической культуры и спорта”, №УП-5924 от 24 января 2020 года “О мерах по дальнейшему совершенствованию и популяризации физической культуры и спорта в Республике Узбекистан”, постановление Президента ПК-2909 от 20 апреля 2017 года “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования”, ПК-3151 от 27 июля 2017 года “О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием” и других нормативно-правовых документах, относящихся к исследуемой деятельности.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики Узбекистан. Данное исследование проводилось в рамках приоритетного направления развития науки и техники республики «Изучение духовно-нравственного и культурного развития общества, духовных ценностей, национальной идеи, культурного наследия, истории узбекского народа и государственности, преемственности и преемственности образования».

Степень изученности проблемы. В Узбекистане А.К.Атоев, Ж.Нуршин, Ф.Керимов, Ш.Х. Хонкелдиев, Ж.М.Тошпулатов, У.И.Иброхимов, А.Н. Абдиев исследовали историю развития спорта, традиции, методы и направления развития спорта в стране; вопросы организации современных уроков физического воспитания и формирования научного потенциала будущих кадров в области физического воспитания нашли отражение в исследованиях К.М.Махкамжонова, И.А.Кушбахтиева, Л.Р.Айрапетянца, Т.С. Усмонходжаева, С.С.Хужаева, К.Алимова; Х.Холдаров, Р.Абдумаликов, Р.А.Косимов, А.Абдуллаев исследовали проблемы развития национальных видов спорта, методики проектирования спортивных кружков, организации походов.

Ученые стран Содружества А.Чесноков, А.М.Воронин, В.П.Кваша, Н.В.Коноплина, Л.Г.Родионова, М.В.Кларин, В.Беспалько, Л.С.Подимова, М.И.Морозова, Е.В.Родькина, Ю.И.Рудинова, З.Р.Сафина, Л.Т.Чернова, И.В.Штих, О.Хомерики, П.В.Худоминский, В.Мединский, В.И.Зибарева исследовали вопросы управления инновационными процессами в системе образования, проектирования на основе педагогических технологий, организации личностно-ориентированного обучения с помощью интерактивных методов, обеспечения активного участия студентов на занятиях по физическому воспитанию.

Зарубежные ученые М.О.Махouny, W.Smit (Великобритания), P.Metyo, J.Xolms, P.Skott, I.Rapoport (США), Dun Shi Chang (Китай), Charelli Graceo Rini, Sandra Melinder (Малайзия), изучили психологические аспекты социализации студентов в процессе физического воспитания, психологической устойчивости спортсменов, проблемы воспитания молодежи путем закаливания организма, повышения физических навыков.

Связь выполненного диссертационного исследования с планом научно-исследовательских работ Узбекского научно-исследовательского института педагогических наук. Исследовательская работа выполнена в соответствии с планом научно-исследовательских работ Узбекского научно-исследовательского института педагогических наук в рамках фундаментального проекта ФЗ-2016-0910202206 “Социально-педагогические технологии воспитания несовершеннолетних учащихся, склонных к преступлениям и правонарушениям”

Цель исследования совершенствование технологий подготовки будущих учителей физического воспитания к профессиональной педагогической деятельности.

Задачи исследования:

определение педагогических условий на основе научно-педагогического обоснования возможностей подготовки будущих учителей физического воспитания к профессиональной педагогической деятельности;

совершенствование системы развития профессионально-педагогической деятельности будущих учителей физического воспитания на основе интерактивного подхода, интенсивного применения инновационных методов;

совершенствование этапов подготовки будущих учителей физического воспитания к профессиональной педагогической деятельности на основе инновационных технологий;

совершенствование модели подготовки будущих учителей физического воспитания к профессиональной педагогической деятельности методами, основанными на аналитическом подходе.

